

440.000 ТОННА ТОШКЕНТ ПАХТАСИ—ВАТАНГА

Пахтазор
ХАБАРЛАРИ
ҒАЛАБАДАН
РУҲЛАНИБ

ОБЛАСТИМИЗДА дастлаб-ки социалистик мажбурият бажарилганлиги тўғрисидаги хушxabар ҳаммакизи, бeҳад кувонтириб юборди. Бу ҳамма-кининг орзу-умиди, энг юксак тилаги эди. Бунда бизнинг Ленин номи колхоз пахтакорларининг ҳам оз бўл-сада ҳиссалари борлиги билан фaхрланамиз. У з касбин улуғлаб, ҳалол ва фидокоро-на меҳнат қилган пахтакор-ларимиз юз берган катта ки-йинчиликларни энгиб кўзлаган мақсадларига эришдилар.

Бизнинг колхоз йирик пах-такор хўжалик. Биргина уст-казимизда 485 гектар пахта май-дони бор. Ҳозиргача давлат оморига 1470 тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 30 центнердан ошди. Терим даврида машиналар унумли ишлади. Жами топирилган ҳосилнинг 70 проценти маши-налар бункеридан тўкилди. «Зангори кема» капитанлари, дан Ўзбек Тўрабеков, Ражаб-бек Мўминов ва бошқалар мавсумда 130-150 тоннадан пахта териб бизга катта мадд бердилар.

Участкида халқ хўжалик планининг ошириб бажарили-шида Турсунбой Рўзиев, Ха-ма Мамадиёров, Бобожон Абдуллоев бошлик бригада аъзоларининг қўшан ҳисса-си катта бўлди. Айниқса, Турсун-бой Рўзиев бошлик бригада аъзолари йиллик плани 122 процент қилиб бажариб, хир-монимизга 300 тоннага яқин «оқ олтин» тўқдилар.

Областимизда эришилган галаба бизни рухлантириб юборди. Биз қолган ҳосилни сира нобуд қилмай териб олиш, кузги-киши тадбирлар-ни амалга ошириш учун ишни сира бўшаштирмай давом эт-тирялмиз.

Орзуқул ЭҒАМБЕРДИЕВ,
Бекобод районидagi Ле-нин номи колхозининг участка бошлик.

МАШИНАЛАР
ҚУДРАТИ

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари бу йил баракали пахта хир-мон уйдилар. Мажмууд 715 гек-тар майдонининг ҳар гектари-дан шу кунгача пладдига 29 ўринга 38 центнердан ошмиқ «оқ олтин» янгиб олинди.

Механизацияга кенг суянган-лигиз жуда кўл келди. Тай-ёрланган ҳосилнинг 78 процен-тидан кўпроги машиналар ёр-дамида терилди. Бу бизга вақтдан ютиш имконини берди. Яъни, пахта тайёрлаш йиллик плани мuddатидан илгари ба-жарилди, пладда кўзда тутил-ган 2 минг тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга топирилди.

Механик-ҳайдовчилардан Му-родхон Малинов, Тўхтажўжа Маликов, Абдуқодир Мамажо-новларнинг ҳар бири пўлат этаклардан 150—180 тоннадан пахта тўқдилар.

Мен бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳам барака-ли меҳнат қилдилар. Шу кун-гача 139 гектар ерининг ҳар гектаридан 39 центнердан оши-риб «оқ олтин» хирмони кўта-рилди. Мен ҳам механизатор-лар мусобақасига қўшилиб, ўз агрегатини бункеридан 200 тон-на пахта тўқдим.

Вақт генимат. Колхозимиз аъзолари барча куч ва имко-ниятларини еттиштирилган ҳо-силнинг бир толасини ҳам но-буд қилмай янгиб-териб олиш-га қаратганлар. Мақсадимиз пладга қўшимча 800 тонна «оқ олтин» сотиш ва ялпи ҳосил-дорлигини гектар бошига 40 центнерга етказишдир. Айни вақтда ҳосилдан бўшаган ер-ларни сифатли шудгорлаб, келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта замин яратмоқдамиз.

Х. САЙИДҒОЗИЕВ,
Урта Чирчиқ районидagi Терешкова номи колхоз бригада бошлик, респуб-ликада хизмат кўрсатган пахтакор.

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорлари эришган улкан га-лабада механик-ҳайдовчиларнинг баракали ҳиссаси бор. Еттиштирилган жами ҳосилнинг салкам 80 проценти «зангори кема» бункеридан тўкилди. Оққўрғон рай-онидagi Навоий номи колхозининг механик-ҳайдовчиси Бекзода Пошаалиев (чапдаги суратда) мавсумда ўз агре-гати билан 350 тоннага етказиб «оқ олтин» терди ва кол-хоз механизаторлари ўртасидagi мусобақада бир неча бор ғолиб бўлди. Коммунист Оллоберди Боймирзаев Бек-обод районидagi Ойбек номи совхозининг 4-бўлими пахта-зорларида меҳнат қилади. У мавсумда пўлат этаклардан 150 тоннадан ошириб пахта тўқди.

Х. Аввалов ва А. Мальцев фотолари.



О Ф А Р И Н

ТОШКЕНТ пахтакорларининг улкан меҳнат галабаси ҳақидаги хушxabар бизнинг областимизга ҳам тез етиб келди. Давлат оморларига 440 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Пахтакорлар ўз сўзларининг устидан чиқиди. Зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди.

Тошкент область пахтакорларининг бу улкан зафари Иваново тўқимачили-рининг ҳам қувончига қувонч қўшди. Чунки, пахта ва тўқимачилик икки об-ласт меҳнаткашлари ўртасидagi дўст-лик ва бирдамлигининг рамзи ҳисобла-нади. Бу икки тушунчани бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмай-ди. Бизнинг тўқимачилик саноатимиз пахта билан боғлиқ, пахта эса тўқима-чилиқ саноати билан қадрли.

Иккин область меҳнат аҳлининг дўстлиги тарихи Улуғ Октябрь инқилобига бориб тақалади. Ушандан бери орадан прим асрдан ортқ вақт ўтди. Шу йиллар давомида биз қадрдон ўзбек пахтакор-ларининг меҳнати, қалб қўри, меҳри-лини билан еттиштирилган «оқ олтин» ни кўплаб олиб турибмиз. Бу қиммат-ли хом ашёдан кишиларимиз дидига мос, давримизнинг юксак талабларига жавоб берадиган пишиқ ва пухта, тў-

зал ва кўркам газламалар ишлаб чи-қарилган.

Ҳозирги вақтда биз ишлаб чиқара-ётган газламаларининг 70 проценти Ўз-бекистон, шу жумладан Тошкент облас-ти пахтасидан тўқилмоқда. Биргина тўққизинчи беш йилликда қардошлари-миз етказиб берган «оқ олтин»дан 8 миллиард метр газлама ишлаб чиқа-рилди. Ўзинчи беш йилликнинг даст-лабки йили ўтган даврида ҳам кўплаб турли-туман газламалар тўқиб чиқа-рилди.

Мен Ивановлик юзларча, мингларча тўқимачилар номидан Тошкент пахта-корларини улкан меҳнат галабаси бил-ан табриклар эканман, ўзимни бахти-ёр деб ҳис қиламан. Уларга мул-қул «оқ олтин» ҳосили еттиштиришдagi олийжаноб ишларида катта-катта за-фарлар ёр бўлишини тилайман.

Офарин, тошкентлик пахтакорлар! Сиз етказиб бераётган «оқ олтин»дан кўплаб ва сифатли газламалар тўқиб учун барча имкониятларни ишга солиб меҳнат қилмаз.

Анастасия ЕРОФЕЕВА,
Иваново мелиаж комбинатининг ин-женерчиси, Социалистик Меҳнат Қа-рамони.

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ДЎСТ-ЛИГИГА СОДИҚМИЗ

ОБЛАСТИМИЗ пахтакор-ларининг пешона тери, қалб қўри билан еттиштирилган «оқ олтин» дурдоналари сира нобуд қилинмай давлат хир-монига топирилди. Зим-мага олинган юксак соци-алистик мажбурият бажарил-ди. Пахта йингим-терим кам-панииси даврида заводимиз ишчилари ҳам умумхалқ

ҳонамиз меҳнат аҳли кол-хоз ва совхозларини техника билан таъминлаш масаласи-га иккинчи эндошиб, бу иш-ни шараф билан бажарди-лар. Жумладан, улар об-ласт қишлоқ хўжаликларига ўн ой ичда 1178 трактор ўринга 1379 трактор ва 1540 прицеп ўринга 1800 прицеп етказиб бердилар.

М. ТУРОВОВ,
трактор заводининг со-ловчиси, Ўзбекистон Компартияси XIX съез-дининг делегати.

ТЕХНИКА БУТУН ЙИЛ
БЎЙИ ТАЙЁРЛАНАДИ

«Усельхозтехника» Оқ-қўрғон район бирлашмаси устaxоналарининг ремонт конвейерига дастлабки терим машиналари қўйилди. Улар машина теримини битирган хўжаликлардан келтирилди. Корхона техникани йил бўйи ремонт қилиш методини жорий этди. Энди машиналар устaxоналардан гарантйала-ган иш мuddати билан чиқари-ляпти. Шу терим мавсуми механизаторлардан эътироз тушгани йўқ.

Эндиликда «Усельхозтех-ника» Тошкент область бир-лашмасининг ҳамма устaxо-налари йил бўйи ремонт қи-лишга ўтказилди. Ихтисос-лаштиришнинг жорий этили-ши туфайли шундай қилиш мумкин бўлди. Масалан, Чи-ноз район бирлашмасининг устaxоналари терим машина-сининг терим аппаратларини ремонт қилади, Бекобод рай-он бирлашмасининг устaxо-налари эса насос установка-рини ремонт қилади. Пис-кепта кўсак чувиш маши-налари ва прицеплар тузати-лади.

Янги беш йилликда Тош-кент областидаги колхоз ва совхозларнинг ҳамма қишлоқ хўжалик техникасини фақат «Усельхозтехника» бирлаш-масининг устaxоналаридаги-на ремонт қилиш кўзда ту-тилади. Бунда алмаштириш фондларидан кенг қўламда фойдаланилади. Бу нараса-бир қанча ҳолларда капитал ремонт қилмай, эскирган узел ва агрегатларни янгила-га алмаштириш имконини беради.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУСЛАР
САРЧАШМАСИ

ЧИНОЗ — ташаббускор пахтакор-лар, меҳнатсевар чорвадорлари, са-ҳоватли соҳибкорлари билан маш-хўр. Улар гайрати билан районимиз экономикаси йил сайин мустақамла-ниб, ишлаб чиқаришни ривожланти-ришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритаётгани. Ҳозир ҳамманинг фикру-зикри КПСС XXV съезди қа-ропларини ҳаётга тадбиқ этишга ва қишлоқ хўжалиги мақсулоти янги-лаб чиқаришни бутун чоралар билан қўлайтиришга қаратилган.

ПАХТА ҳосилдорлигини ошириш, иш самарадорлиги ва сифатини ўстириш юза-сидан бошланган мусобақа давомида рай-онимиз хўжаликлариди ажойиб ташаббус-лар туғилмоқда. Пахта ҳосилдорлигини оши-риш бўйича кураш қучайган кезларда Охунбобоев номи колхозининг Мухаммад-қул Раимқулов бошлик бригадаси коллек-тив ажойиб ватанпарварлик ташаббуси билан чиқди. Бригада пахтакорлари ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш ташаббусини бошлаб берди-лар. Район партия комитетининг бюроси илгор коллективнинг ватанпарварлик та-шаббусини маъқуллади. Барча хўжаликлар бошлангич партия ташкилотларига Мухам-мадқул Раимқулов бошлаб берган ибратли ишни омиллаштириш ва пахтадан юқори ҳосил олишга таъминлаш тавсия этилди.

Шу кўйи эллик центнерчилар ҳаракати бошланиб кетди. Бу йил районимизнинг Турсунбой Раимова, Фикрат Сефершоев, Ашур Ниёзов, Раҳман Урибеков, Парли Камолова ва Суннат Тошхўжаев каби донгдор пахтакорлари гектар бошига 50 центнердан ҳосил кўтарамиз, дея май-донга чиқдилар. Улар райондаги барча хаммасбларига мурожаат қилиб, эллик центнерчилик ҳаракатини авж олдиришга чорладилар. Илгорлар давлати пахтакорлар қалбига гайрат ўтти ёқди. Қисқа вақт ичда кўплаб бригадалар эллик центнерчи-лар сафига қўшилди.

Район партия комитети бошланган қим-матли ташаббусни кенг қўлч елдиришга, пахта ҳосилдорлигини оширишда комму-нистларнинг авангардик ролини ўстириш-га, илгор тақрибларини омиллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Меҳнаткашлар орасида олиб борилаётган ташкилий-тарбиявий, омиллаштириш ишлар ўз самараларини бермоқда. Коммунистлар ўзларига ишониб топирилган ҳар бир ишни сидқидилдан, ҳалол бажармоқдадилар. Бу ўринда мен Карл Маркс номи колхоз бригада бошли-ги, райком бюросининг аъзоси Суннат Тошхўжаев бажарётган ишларини барчага намуна қилиб кўрсатишни истар эдим. Иш-чан коммунист Суннат Тошхўжаев бригада бошлиги бўлганидан сўнг меҳнатдаги ак-тивлиги яна ҳам ошди. Қисқа вақт ичда унинг коллективга раёндаги энг пешқадм, юқори ҳосили бригадалар қаторидан ўрин олди. Коммунистик меҳнат коллективига де-ган шарафли номни ҳам у биринчилар қатори қўлга киритди.

Суннат Тошхўжаев бошлик коллектив ўзини беш йилликнинг биринчи йилида эллик центнерчилик ҳаракатини бошлаб берди. Кейинроқ у ўз имкониятларини ҳи-соблаб чиқиб, гектар бошига 55 центнердан ҳосил кўтаришга сўз берди. Аҳил коллек-тив бор резервларини ишга солиб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини раёнда биринчи бўлиб олти иш кунда бажарди. Юксак социалистик мажбуриятни тўла адо этиш учун сўнгги кураш борапти.

Пахта ҳосилини тез ва соз йиғиб-териб олишга бу йил биз алоҳида ҳозирлик қўр-ган ҳолда киридик. Барча хўжаликларнинг бошлангич партия ташкилотлари йиғим-терим кампаниясини уюшқоқлик билан ўтқа-зиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқдилар. Терим даврида механизаторлар ва коллективлараро социалистик мусоба-қани кенг қўлч елдиришга, унинг таъсир-чанлигини оширишга ва ошқоралигичи таъ-минлашга алоҳида эътибор берилди. Охун-бобоев номи, Киров номи, Карл Маркс номи колхозлар, «Янгибобод», «Партия XXIV съезди» совхозларида илгор терим-чилар шарафига байроқлар кўтариш, улар-нинг номларини «Шухрат дафтарига» ёзиш

анъанасига айланди. Омиллаштириш ишлар бўйича тузилган Совет аъзолари бевосита таъминчилар орасида бўлиб, илгорлар таъ-рибасини омиллаштириш, коллектив аъзоларини йиғим-терим, пешқадмлар билан кенг таъинтириб бордилар.

Район партия комитети, район ижроия комитети, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов хо-димлари касаба союзлари район комитети таъсис этган кўчма Қизил байроқ ҳар беш кунлик иш якунларига қараб, илгор кол-лективларга бериб борилди. Бир қатор ил-гор хўжаликларимиз област кўчма Қизил байроғини ҳам қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

Районимизнинг улкан 38 минг тонналик хирмонини бунёд этиш учун бошланган ку-раш давомида пахтакорлар ажойиб қахра-монликлар кўрсатдилар. «Янгибобод» сов-хоз пахтакорлари қир зонасидан ҳам йил сайин мўл ҳосил еттиштирмоқдалар. Сов-хознинг барча майдонларидаги ғўзалар на-сослар орқали суя ичди. Шунга қарамай миришкорлар бор тақрибларини ишга со-либ раёнда биринчи бўлиб йиллик плани-ни бажаришга муваффақ бўлдилар. Мусо-бақадор Карл Маркс номи ва «Қизил Ок-тябрь» колхозлари ҳам манзилга биринчи-лар қатори етиб келди. Улар бу йил гек-тар бошига қарийб 40 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

Бизда ер шароити оғир бўлсада, омил-корлик билан иш юритаётган пахта уст-алари оз эмас. «Ўзбекистон ССР 30 йилли-ги» колхозининг Латиф Суворов бошлик бригадаси аъзолари қийин шароитларда бу йил 37 центнердан хирмон кўтардилар. Бригада коммунистлари эришилган бу му-ваффақият билан чегараланиб қолмадилар. Улар ўз имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, ҳосилдорлигини 50 центнерга етқа-зиш имкони борлигини аниқладилар. Ком-мунистларнинг сўзи билан иш бир. Улар ҳозир мана шу юксак маррани эгаллаш адрасида турибдилар.


Чиноз деганда ҳамма беҳитёр машхўр пахтакор Турсунбой Охунваев кўз олди-га келтиради. Қиров номи колхозининг бри-гада бошлиги, Ленин мукофотининг лауреа-ти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсун-бой Охунваев бу йил рекорд кўрсаткича эришди. У КПСС ХХХІ съезди Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга ёзган мак-тубида ўзини беш йилликнинг биринчи йилида ҳар гектар ердан 69 центнердан ҳосил кўтаришга ва ўз машинаси бунке-ридан 450 тонна «оқ олтин» тўқишга ваъда берган эди.

Коммунист пахтакор Турсунбой Охунва-ев эрта баҳордан ишни намунали ташкил этиб, беповён пахтазорларда «оқ олтин»дан мўл ҳосил яратди. Бригада аъзолари йи-ғим-теримини ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказиб, эл-юрт олдида берган ваъдаларин-инг устидан муваффақиятни чиқди. Турсун-бой ўз машинаси билан 450 тонна пах-тани териб бериб, барчани қойил қолди-рди.

Она-Ватан чинозлик пахтакорлардан 35 минг тоннадан ортқ «оқ олтин»ни қа-бул қилиб олди. Бу ҳосилнинг қарийб 25 минг тоннаси машиналар бункеридан тў-килди. Янгиб билинган ҳосил ҳозир гектар бошига 36 центнерни ташкил этапти. Ҳали далаларимизда ҳосил бор.

Районимиз меҳнаткашлари қишлоқ хў-жалик йиллини ҳар соҳада муваффақиятли якунламоқдалар. Мақнажхўрликларимиз давлатга 1500 тонна ўринга 1505 тонна мик-нажхўри дони етказиб бердилар. «Чиноз» совхоз-техникуми чорвадорлари эришаёт-ган меҳнат муваффақиятлари яна ҳам қу-вончли. Улар чорвадорларнинг бутунти-роқ мусобақасида ғолиб кичиб, СССР Қиш-лоқ хўжалик министрлигининг I даражали Фахрий дипломи, пул мукофоти ва енгил автомашина билан тақдирландилар. Саб-завоткорлар, бобқиллар, саҳоватидан ҳам эл мамун. Эндиликда биз барча участка-ларда кузги-киши ишларни намунали ташкил этиб, келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратмоқдамиз.

К. МАМЕДОВ,
Чиноз район партия комитетининг биринчи секретари.



АССАЛОМ, ДУР ТОҒЛАРИ!

САВЛАТИГА разм сол-сак — сервисдор, оҳангидан назм олсак — пуриқдор. Она ерининг «оқ олтин» оқ ҳосили, ҳосилларининг энг ажиби, асили. Нафислиги нур қадардир бу тоғлар-нинг, нафосати чунг мадор-дир бу тоғларнинг. Марду-майдон дехдон меҳри бор унда, саҳли, дилбар дала сеҳри бор унда. Ҳар нуқра-си минг-минг қалбнинг қўри-дир, пахта тоғи барча тоғ-лар зўридир!..

ИЛК БАҲОРДА қўқлам кенгликлари бўлиши дала-налар яратди. Яқдона, бегу-бор, митти, инжу чигитлар-ни забардаст қўларига ол-ган пахтакор, ўзига темир қаиот — мужизакор техни-

кани азмкор йўлларига сол-ган пахтакор бугун мана шундай самовий эиналар яратди... Момикдек юмшоқ пок пахта бунтларининг ҳар грамми фахр ва ғурур дарё-

сидир. Йил бўйи тўқилган реза-реза пешона терларин-инг толебохш эиесидир.

440 МИНГ ТОННАДАН зиёд Тошкент пахтаси!.. Му-наввар, зарга қон Тошкент воҳасининг Она-Ватанга ар-муғони — бу. Севикли рес-публикамизнинг 5 миллион 300 минг тонналик улкан хирмонига қўшилган залвар-ли ҳисса — бу. Оромсиз ту-ларнинг, ташвишли кунлар-нинг шиддати, суръати, са-марати — бу. Фақат олға ни-тилган илгор пахтакор ва

халқ жасорати тимсоли бўл-миш бийик пахта бунтлари қошида ҳар мисқод жавохи-римизни қўзғат суртиб таъ-зин қилса арийди!.. Асеса-лом, мағрур ва масрур «оқ олтин» тоғлари!.. Ассалом, ўзинчи беш йиллик биринчи йилнинг табаррук уммон ҳосили!..

У. РАҲИМОВ,
ШПМ.
Суратда: пахта пункти.
А. Абалин фотоси.

